

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
ДЕН САҰЛЫҚТЫ САҚЛАҰ МИНИСТРИ

Т.Сарбаевқа

Белгиленген тәртіпте үйреніп шығып,  
нәтижесі хақында мағлыұмат берилиұн  
тамийинленсин

Орынлаұ муддети 1- кун



М.И.КУРБАНОВ

№12/

«26» Май 2023-жыл

Қарақалпақстан Республикасы Ауыл Кожаылы Министрлігі



700

Т.Сарбаев



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН RESPUBLİKASI  
MINISTRLER KENESININ  
BASLIĞI

Қарақалпақстан Республикасы Инвестициялар хәм сытқы сауда  
министрлиги

Қарақалпақстан Республикаси Мектепке шекемги билимлендирю  
министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Ишки ислер министрлиги  
Қарақалпақстан Республикасы Камбағалықты қысқартюу хәм  
бәтглик министрлиги

Qaraqalpaqstan Respublikasi Densawlıqtı saqlaw ministrligi

Қарақалпақстан Республикасы Әдиллик министрлиги  
Қарақалпақстан Республикасы Маданият министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Қурылыс министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Уй-жай коммунал хызмет көрсетюу  
министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Транспорт министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Жаслар сиясаты хәм спорт  
министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Қаржы министрлиги

Қарақалпақстан Республикаси Халык билимлендирю министрлиги  
Қарақалпақстан Республикасы Туризм хәм мәдениий мийрас  
министрлиги

Қарақалпақстан Республикасы Тоғай Хожалыгы Комитети

Қарақалпақстан Республикасы Ветеринария хәм шаруашылықты  
рәуажландырюу комитети

Қарақалпақстан Республикасы Мәмлекетлик салык басқармасы

Қарақалпақстан Республикасы Статистика басқармасы

Қарақалпақстан Республикасы Бажыхана басқармасы

Қарақалпақстан Республикасы Айрықша жағдайлар басқармасы  
Бюджетден тысқары пенсия қоры Қарақалпақстан Республикасы  
басқармасы

Қарақалпақстан Республикасы Монополияға қарсы гүресюу  
комитети

Мәмлекетлик активлерди басқарюу агентлиги Қарақалпақстан  
Республикасы басқармасы

Қарақалпақстан Республикасы бойынша Фазнашылық басқармасы



2000

T. S. S. S. S.



Қарақалпақстан Республикасы Гидрометеорология басқармасы  
ҚОРАҚАЛПРОГ'ISTON RESPUBLIKASI OIL VA XOTIN-QIZLAR  
QO'MITASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIVA  
VAZIRLIGI HUZURIDAGI KADASTR AGENTLIGINING DAVLAT  
KADASTRLARI PALATASI QORAQALPROG'ISTON RESPUBLIKASI  
BOSHQARMASI

№1/213  
25 May 2023

F.U.ERMANOV

Кадастр агентлиги Қарақалпақстан Республикасы басқармасы  
"Hududgaz Qoraqalrog'iston" gaz ta'minoti filiali  
"Qoraqalraq yuv ta'minoti" jum'ialkerishiyligi sheklengen jamiyeti  
"Hududiy elektr tamloqlari" AJ Qoraqalrog'iston hududiy filiali  
Ne'kis qalasi xakimligi  
Elikkala rayoni xakimligi  
Beruniy rayoni xakimligi  
Emiudarya rayoni xakimligi  
Keteyli rayoni xakimiyati  
Konyrat rayoni xakimligi  
Taqyatag rayoni xakimligi  
Moinak rayoni xakimligi  
Tahtageshir rayoni xakimligi  
Shymbay rayoni xakimligi  
Xojeli rayoni xakimligi  
Karaezek rayoni xakimligi  
Qanlykogel rayoni xakimligi  
Ne'kis rayoni xakimligi  
Shomanay rayoni xakimligi  
Bozatau rayoni xakimligi  
Tortkul rayoni xakimligi

ЎЗР Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПК-162-сонли қарори  
раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин. Ушбу қарор ишросини  
таъминлаш нозасидан тегишли илोजлар кўришингизни сўрайман.





## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

2023 йил «24» май

№ПК-162

Рақамли хизматлар камрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа,  
тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш  
чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бюрократик тартиботларни қисқартириш, шунингдек, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) “Рақамли ҳуқумат” ва “Рақамли ҳудуд” дастурлари доирасида 2023–2024 йилларда амалга ошириладиган 300 та устувор лойиҳалар, шу жумладан:

Давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича 112 та устувор лойиҳалар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш бўйича 51 та устувор лойиҳалар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича 137 та устувор лойиҳалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

б) 2023 йил якунига қадар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида кўрсатилмаётган хизматлар сонини 570 гага етказиш доирасида порталда биринчи навбатда жорий этиладиган 95 та хизмат ва сервислар рўйхати ҳамда режа-жадвали 4–4а-иловаларга мувофиқ;

в) ижтимоий-иқтисодий соҳанинг айрим тармоқларида билнинг тизимларини жорий этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ;

г) “Рақамли ҳуқумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасида рақамли шаклда тақдим этилиши орақали 2023 йил 1 декабрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш бекор қилинадиган 47 турдаги маълумотлар рўйхати 6-иловага мувофиқ;

д) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизматлардан фойдаланиш ҳолати бўйича юбориладиган эслатма ва хабарномалар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) соҳа ва тармоқларни, шу жумладан биринчи навбатда 2023–2024 йилларда соғлиқни сақлаш ва сув ҳўжалиги соҳасидаги рақамлаштириш лойиҳаларини мувофиқлаштириб бориш ва жадаллаштириш учун масъул ҳисобланади.

Бунда, рақамлаштириш лойиҳаларини самарали амалга ошириш ҳамда масъул вазирликлар билан ҳамкорликда ишлаш ва уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш учун “Рақамли ҳуқумат” лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси ҳўзўрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган “лоиҳа офислари” фаолияти йўлга қўйилади.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 июндан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳўкимият органлари томонидан ташқи кредит ва беғараз кўмак маблағлари асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рақамли компонентларга йўналтириладиган қисми Рақамли технологиялар вазирлиги билан мажбурий тарзда келишилади.

4. “Рақамли ҳудуд” дастури доирасида:

а) “Рақамли геопортаг” ахборот тизими ва “Халқ назорати” платформаси 2023 йил 1 сентябрга қадар Ангрён, Оҳангарон, Янгийўл, Чирчиқ ва Нурафшон шаҳарларида, 2023 йил якунига қадар эса Жиззах ва Урганч шаҳарларида ишга туширилади.

Бунда, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда “Халқ назорати” порталига аҳоли томонидан келиб тушган ариза ва шикоятларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг вуҳудга келиш сабабларини келгусида бартараф этиш мақсадида инобатта олиш мажбурий ҳисобланади;

б) “Рақамли геопортаг” ахборот тизими ва “Халқ назорати” платформасига 8-иловадаги рўйхатга мувофиқ вазирлик ва идораларнинг 70 та маълумотлари интеграция қилинади;

в) Худудларни рақамлаштириш бўйича:

Лойиҳалар амалга оширилиши учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, шу жумладан мазкур бандда назарда тутилган лойиҳалар жорий йилда ишга туширилиши учун Тошкент вилояти (З.Мирзаев), Жиззах вилояти (Э.Солиев) ва Хоразм вилояти (Ж.Рахимов) ҳокимлиги;

лойиҳаларни жорий этиш ҳамда уларни техник қўллаб-қувватлаш учун – “Рақамли ривожланиш Департаменти” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – Рақамли Департамент);

лойиҳалар амалга оширилиши бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун – Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) масъул ва жавобгар ҳисобланади;

г) Худудларни рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни жорий этиш ҳамда уларни техник қўллаб-қувватлаш учун Рақамли Департамент ҳузурида лойиҳа офислари ташкил этилади.

5. Белгилаб кўйилсинки, Рақамли Департаментга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022–2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–357-сон қарорининг 18-банди учинчи хатбошиси талаблари татбиқ этилади;

мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган платформа ва ахборот тизимларини жорий этиш бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқи берилади.

6. Белгилансинки, электрон тижорат соҳасини ривожлантириш орқали савдо айланмаси ҳажминини 2023 йилда 500 миллион АҚШ долларига етказиш, шунингдек, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш мақсадида 2023 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига электрон тижорат фаолияти доирасида эркин омбор божхона режимида жойлаштирилган товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга рухсат берилади.

7. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда – IT-парк) резидентлари томонидан амалга оширилишига рухсат этилган фаолият турлари рўйхатида кўйидаги кўшимча йўналишлар киритилсин:

Дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда мулътимедиа, дизайн ва мулътимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатиш;

IT-парк ва унинг филиаллари худудда жойлашган в. манзилда рўйхатдан ўтган ташкилотлар томонидан ахборот технолог. соҳасидаги лойиҳаларни венчур молиялаштириш ҳамда акселерац. Дастурларини амалга ошириш.

8. Белгилансинки, IT-парк дирекцияси ҳамда устав фондида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахслар томонидан IT-парк худудида жойлашган кўчмас мулк объектларини рақамли технологиялар соҳасида илгор стартап лойиҳаларига эга IT-парк резидентларига тўғридан-тўғри ижарага беришга рухсат этилади.

Бунда, ижарага беришдан тушган маблағлар мазкур кўчмас мулк объектларини бағаласда сакловчилар ихтиёрида қолдирилади.

9. Рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

а) “Бир миллион Дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичи сифатида хорижий нуфузли таълим платформаларида IT-йўналишдаги онлайн ўқув курсларда таҳсил олиш имконияти йўлга қўйилади.

Бунда:

курсларни муваффақиятли тамомлаган 15 минг нафар ёшлар сараланиб, уларда халқаро миқёсда фаолият юритиш кўникмалари шакллантирилади;

хорижий нуфузли таълим платформаларида муваффақиятли ўқишни якунлаган ва тегишли сертификатга эга ёшларга компьютер хариди учун истеъмол кредитлари ажратиш амалиёти давом эттирилади;

2023 йил 1 августдан бошлаб ёшларга компьютер харидлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан микроқарз шаклида ҳамда “Ёшлар Дафтари” ва Камбаталликни қисқартриш ва бандлик вазирлиги жамғармалари ҳисобидан бериладиган субсидия маблағларини ижтимоий контракт асосида ёшлар хоҳишига кўра алоҳида очилган банк картасига (нақдлаштириш имкониятсиз) ўтказишга рухсат берилади;

б) 2023 йил 1 октябрдан бошлаб В2 ва ундан юқори хорижий тил билиш даражасига эга бўлган фуқаролар томонидан тизим бошқаруви, маълумотлар базаси ва “Булутли” платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 100 фоиз қисmini қоплаш тизими жорий этилади;



230105, Nukus shaxri, I.Karimov k., 152-uy  
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,  
e-mail: [info.mz.rk@ssv.uz](mailto:info.mz.rk@ssv.uz)

230105, Nokis qalasi, I.Karimov k., 152-jay  
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,  
e-mail: [info.mz.rk@ssv.uz](mailto:info.mz.rk@ssv.uz)

2023 yil "26" 05

№ 04/3593

**Барча Даволаш-профилактика  
муассасалари, шаҳар, туман  
тиббиёт бирлашмалари  
раҳбарларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сизга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 25-май кунги 1/213-сонли хатини маълумот ва ижро учун юбормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги "Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-162-сон Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Илова: \_\_варақда

Вазир ўринбосари

Т.Сарбаев